

## РЕГЛАМЕНТ

Ушбу регламент танишув ва маълумот характерига эга бўлиб, банкнинг кредит тақдим қилиш бўйича мажбуриятига кирмайди.

### 1. Хизмат (паспорт) тавсифлари

#### 1.1. Хизмат номи

КТС (кичик тадбиркорлик субъектлари) томонидан 3 йиллик муддатгача миллий валютада кредит олиш учун онлайн ариза.

#### 1.2. Хизмат натижаси

КТС кредит олишга ариза топширганларидан сўнг банк аризачининг электрон почтасига кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини ва уларни тўлдириш бўйича талабларни юборади.

#### 1.3. Ҳуқуқий асослар

КТС 3 йиллик муддатгача миллий валютада кредит олиш учун зарурий ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида” (янги таҳрир) (АВ даги 02.03.2000 даги 906-сон рўй. ўзгартиришлар билан) ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Низомлари, “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида” (АВ даги 17.12.2004 йилдаги 1435-сон рўй.) ги ва “Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби” (АВ даги 27.12.2013 даги 2546-сон рўй.), АТ Миллий банкининг кредитлаш бўйича бошқа меъёрий ҳужжатлари, банкнинг Кредит сиёсати ва ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тарзда тақдим қилинади.

#### 1.4. Хизматдан фойдаланувчилар

Кредит олиш учун зарурий ҳужжатлар рўйхати якка тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек оилавий ташкилотларга тақдим қилинади.

#### 1.5. Бажариш муддати

Ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати ариза топшириш вақтида, аммо 3 кундан ортиқ бўлмаган вақтда амалда бўлган қонунчилик талаблари ва норматив ҳужжатларга мувофиқ тарзда белгиланади.

## **2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш.**

### **2.1. Кенг тарзда хабардор қилиш**

КТС 3 йиллик муддатгача миллий валютада тақдим қилинадиган кредитлар ҳақидаги маълумотларни АТ Халқ банкнинг веб-сайтидан ([www.xb.uz](http://www.xb.uz)) олиш мумкин.

### **2.2. Хизмат кўрсатиш жойида хабардор қилиш**

КТС 3 йиллик муддатгача миллий валютада тақдим қилинадиган кредитлар ҳақидаги батафсилроқ маълумотларни кредитларни тақдим қилувчи АТ Халқ банкнинг филиалларидан бевосита олиш мумкин. Манзиллар рўйхати АТ Халқ банкнинг веб-сайтида ([www.xb.uz](http://www.xb.uz)) келтирилади.

## **3. Хизмат кўрсатиш**

### **3.1. Иш вақти**

Банкнинг 9-00 дан 18-00 гача белгиланган иш вақти мобайнида тайёрланади ва юборилади.

## **4. Хизмат кўрсатиш жараёни**

### **4.1. Кредитни тақдим қилишни рад этиш учун асослар**

Хизмат кўрсатишни рад этишнинг эҳтимолий сабаблари: Аризачининг кичик тадбиркорлик субъектлари хусусиятларига мувофиқ келмаслиги; келтирилган кредит шартларининг (муддат, валюта) хизмат кўрсатиш шартларига мувофиқ келмаслиги (миллий валютада 3 йиллий муддатгача).